

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОЙИМОВ ШОҲРУҲ ШУҲРАТОВИЧ

**ЧАРМНИ ТЎЛДИРИШ УЧУН ЧАРМ ЧИҚИНДИЛАРИДАН
ОЛИНАДИГАН ЯНГИ ОҚСИЛ САҚЛОВЧИ ПОЛИМЕРЛАРНИНГ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шойимов Шохруҳ Шухратович

Чармни тўлдириш учун чарм чиқиндиларидан олинадиган янги оксил сақловчи полимерлар технологияси 3

Шойимов Шохруҳ Шухратович

Технология новых белоксодержащих полимеров из отходов кож для наполнения кож..... 19

Shoyimov Shokrukh

Technology of new protein-containing polymers from waste leather for filling leather..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОЙИМОВ ШОҲРУҲ ШУҲРАТОВИЧ

**ЧАРМНИ ТЎЛДИРИШ УЧУН ЧАРМ ЧИҚИНДИЛАРИДАН
ОЛИНАДИГАН ЯНГИ ОҚСИЛ САҚЛОВЧИ ПОЛИМЕРЛАРНИНГ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020 йил

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/T806.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Кодиров Тулкин Жумаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Примкулов Махмуд Темурович
доктор технических наук, профессор

Мирзаев Нодир Баходирович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 12.12 2020 года в «13⁰⁰» часов на заседании разового научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжапон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (99871) 253-06-06; факс: (99871) 253-36-17; e-mail: mail@titli.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №39). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжапон, 5, Тел.: (99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «30» 11 2020 года.
(протокол рассылки № 89 от «30» 11 2020 года.)



Б.О.Онорбоев

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

А.Э.Гуламов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Б.Мирзаев

Председатель разового научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, к.т.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда атроф - муҳитни ҳимоя қилиш муаммоси билан боғлиқ бўлмаган бирорта саноат ёки соҳа мавжуд эмас. Шунга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтиришга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий қилиш билан бир қаторда муҳим вазифа ҳисобланади¹. Турдош соҳалар учун иккиламчи хом-ашё сифатида ишлаб чиқариш чиқиндиларини хўжалик фаолиятига жалб қилишни қамраб олувчи ресурс ва энергиятежамкор технологик ечимлардан фойдаланиб хом-ашёни комплекс қайта ишлаш муаммоси алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этади.

Дунёда ҳозирги вақтда юқори ҳарорат режимлари ва босим шароитида гидролиз услубидан фойдаланиб, оксил сақловчи чиқиндиларнинг баъзи турларигина озуқа қўшимчалар, биоминерал ўғитлар, елимлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Бироқ, бундай технологик усул натив фибрилляр оксилларга хос бўлган специфик хоссаларнинг йўқолишига олиб келади, бу эса улардан амалда фойдаланиш мумкин бўлган соҳаларни чеклайди. Сўнгги йилларда янги кимёвий материаллар ва улардан фойдаланиш технологияларини яратиш маълум даражада чарм саноатининг экологик муаммоларини ҳал қилишга, ҳамда чарм хом-ашёсидан самарали фойдаланишга йўналтирилган. Чарм хом-ашёсига бўлган нархнинг тобора ўсиши, унинг сифатининг ёмонлашуви билан уйғунликда, хомашё ресурсларидан янада самарали фойдаланиш бўйича техник ечимларни излашни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам юқори сифат ва истиқболли янги авлод оксил сақловчи полимерлар яратишни таъминловчи коллагенни ажратиб олишни ҳар томонлама комплекс тадқиқ қилиш зарурати юзага келади. Полимер тўлдирувчилар сифатида акрил кислотаси билан пайвандланган коллаген асосидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади. Коллаген билан таъсирлашганда, акрил кислотасининг етарлича бўлган реакцион мойиллиги, чарм яриммаҳсулотининг тўлдирилиши ва ошга тўйинтирилишига хизмат қилади. Бироқ, мазкур муаммо, яъни: акрил мономер асосида полимерлар синтези жараёнлари ва хоссаларига ҳамда чарм саноатида қўлланилишига таъсири айни пайтда етарлича ўрганилмаган. Мазкур иш функционал фаол модификацияланган оксил сақловчи полимерлардан фойдаланиш ҳисобига эксплуатацион ва технологик тавсифлари яхшиланган чарм яриммаҳсулот олиш технологиясини яратишнинг долзарб муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган.

Республикамизда сўнгги йилларда чарм саноатининг сезиларли ўсишига боғлиқ ҳолда экология масалалари чарм-мўйна корхоналари учун катта аҳамият касб этиб бормоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида вазифалар белгилаб олинган, шу жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва

¹http://www.leathermag.com/news/industry_news_archive.html

ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш»². Кўйилган вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, юқори сифатли кўрсаткичларга эга бўлган импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп-рақобатбардош чарм материалларини ишлаб чиқариш зарурати яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 6 январдаги №ПҚ-2718-сон қарори ва “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 3 майдаги №ПҚ-3693-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Нанотехнологиялар ва кимёвий технологиялар» истиқболли йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда Covington A.D., Maryann M., Schmidt M.T., Eleanor M.B., Taylor M.M., Clark A., Jacob R.H., Peng B., Huang Ch.Y., Muralidharan N., Kanagaraj J., Ozkan C.K., Anupama P., Aslan A., Choudhary R.B., Шалбуев Дм.В., Плаван В.П., Землянский Я.Я., Василенко З.В. ва ҳ.к. кабиларнинг ишлари хайвонлар терисини қайта ишлашнинг физик-кимёвий ва технологик усуллари бўйича илмий тадқиқотларга бағишланган.

Шу билан бир вақтда Қодиров Т.Ж., Примкулов М.Т., Тошев А.Ю., Хайитов А.А., Худанов У.О., Амирсайдоров Т.Е. ва бошқа ўзбек олимларининг ишлари чарм-технологик хоссаларга эга бўлган янги махсус функционал-фаол бирикмаларни яратишга бағишланган ва ижобий натижалар олинган.

Юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи чиқиндиларидан коллаген сақловчи маҳсулотларни ажратиш, гидролиз, экстракция қонуниятлари ва улардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида, модификация қилиш муаммоларига тегишли илмий-тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши А-9-9 “Мўйна хом ашёсини ачитиш жараёнини ўтказиш учун сут саноати чиқиндиси зардобни қўллаган ҳолда ресурсларни тежовчи экологик тоза ачитиш технологиясини яратиш” (2015-2017 й.) ва А-12-16 “Коллагеннинг саноат чиқиндиларини гидролиз ва модификация қилиш билан чарм учун импорт ўрнини босувчи пардозлаш материални яратиш” мавзуси (2015-2017 й.) режаси доирасида бажарилган.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони

Тадқиқотнинг мақсади чарм корхоналари чиқиндиларидан гидролиз услуги билан оксил ажратиб олиш, модификация қилиш ва уларни хром чармларни тўлдириш технологиясида қўллашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

чарм саноатининг хромли ошланган чиқиндиларидан коллаген деградацияси, гидролизи, синтези, унинг хоссалари ва хромли чарм чиқиндиларини деградация қилиш жараёнида, хромли ошловчи ва коллагеннинг эрувчанлиги ва гидролизини тадқиқоти;

коллагенни акрил кислотаси билан графт сополимерини синтез қилишнинг асосий қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш, оксил сақловчи полимер асосидаги пленкаларнинг структураси ва хоссаларини аниқлаштириш;

оксил гидролизат маҳсулотларининг пластификацияланиши жараёнини, хром чарм структурасида тўлдирувчиларнинг диффузияси ва уларнинг ҳаво ва сув ўтказувчанликка таъсирини тадқиқ қилиш;

коллагеннинг эриган маҳсулотларини олиш, қайта ишлаш, модификациясилаш технологияси ва хром чармларини тўлдириш жараёнини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектлари ошлан(ма)ган чарм чиқиндилари, оксилли гидролизат, коллагеннинг эриган маҳсулотлари, тўйинмаган винил кислотаси, коллаген оксилли модификацияси маҳсулотлари ва у асосидаги композиция, тўлдиришгача бўлган, ундан кейинги яриммаҳсулот ва тайёр чарм маҳсулотлари.

Тадқиқот предмети оксил деградацияси, гидролизи, синтези, модификацияси, винил мономернинг коллаген билан ўзаро таъсирлашуви, хромли чармни оксил сақловчи композиция билан тўлдириш жараёни ва тўлдирилган хромли чармдаги структур ўзгаришлардан иборат.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар учун вискозиметрия, элемент таҳлил, сорбция, оптик микроскопия услублари ва тадқиқот объектларининг бошқа физик-кимёвий хоссаларини регламентловчи стандарт услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий чармларни физик–механик хоссаларини яхшиловчи модификацияланган, пластификацияланган тўлдирувчи оксил-полимерли композиция яратилган;

хром бирикмаларининг эрувчанлиги ва деградация даражасининг юқори бўлиши ишқорли композиция концентрациясига бевосита боғлиқлиги асосланган;

дастлабки аралашмада акрил кислотаси миқдорининг ортиши билан коллаген сополимери унинг занжирлари билан тўйиниши натижасида, графт сополимери ҳамда азеотропнинг ҳосил бўлиши исботланган;

натив, модификацияланган ва пластификацияланган намуналари пленкаларини деструкциясининг ортиши структур элементлари орасида молекулалараро ўзаро таъсирлашувидан иборатлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш фаолиятининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва экологик ҳолатни барқарорлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофазалаш учун чиқиндиларни комплекс тарзда қайта ишлашни назарда тутувчи технологик схема ишлаб чиқилди;

олинган сополимерлар сув, этанол, диметилформамид, диметилсульфоксид, хлороформда эрийдиган ва алифатик углеводородларда эрмайдиган оқ рангли аморф кукунлардан иборат;

оксил-полимер композициянинг коагуляцияланиш ва чоклаш хусусияти уни пойабзалнинг устки қисми учун мўлжалланган хромли чармлар учун тўлдирувчи сифатида муваффақиятли синаб кўришга имкон берди. Синов чармлари нафис сирт юзага, периферия қисмлари зич ва нуқсонларсиз ҳолда яхши тўлдирилганликка эга.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги, назарий ва лаборатория тадқиқотларининг ўзаро мос келиши, синовларнинг тавсия қилинган натижалари ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишқорий композициянинг деградацияси қонуниятларини аниқлаш, кислота-спирт эритмада оксил массасини эриши, экстракция, коллагенни ажратиш, уни чўктириш, коллагенга акрил кислотасини пайвандлаш, сополимерланувчи компонентлар таркибини аниқлаш, дастлабки таркибига боғлиқ ҳолда сополимерларнинг тавсифли қовушқоқлигини ўрганиш, элементли таҳлил йўли билан таркибни аниқлаш, чарм маҳсулотларига яхшиланган физик хоссалар бериш мақсадида коллагенни пластификация қилиш билан тавсифланади.

Амалга оширилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан тўлдирувчи композицияларни олиш, улардан хромли чармларни тўлдиришда фойдаланиш, шунингдек, пойабзалнинг устки қисми учун яхшиланган эксплуатацион хоссаларига эга бўлган хромли чармларни ишлаб чиқариш билан асосланади. Ишлаб чиқариш шароитларида оксил гидролизат, полиакрил кислотаси, СФМ, техник аммиак суви иштирокида ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган Aqrisol-60 ва Ropaqua-Eko акрил эмульсиясига нисбатан яхшиланган хоссаларга эга бўлган оксил-полимер композиция тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чарм чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида, оксил-полимерли композиция олиш ва уни пойабзалнинг устки қисми учун чармларни тўлдириш технологиясида қўллаган ҳолда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

оксилли-полимер композицияси иштирокида чармларни тўлдириш технологияси «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарида, яъни «OSIYO-CHARM-FAYZ» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзчармсаноат» ассоциациясининг маълумотномаси 9 июнь 2020 йил №ФБ-9/1311). Натижада ишлаб чиқариш шароитларида пойабзалнинг устки қисми учун мўлжалланган чармларни тўлдириш учун маҳаллий хомашёдан оксил-полимерли композиция иштирокида чармларга ишлов бериш имконияти яратилган;

чармларни оксил-полимерли композиция билан тўлдириш технологияси «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, жумладан “ULKAN-LAZIZ” МЧЖ да жорий этилган (“Ўзчармсаноат” ассоциациясининг маълумотномаси 9 июнь 2020 йил №ФБ-9/1311). Натижада пойабзалнинг устки қисми учун йирик шохли мол тери хом-ашёсидан қора рангли табиий юзали чармлар тайёрланиб, мустаҳкамлик чегараси 11,3 % юқори бўлган маҳсулот олишга эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон (нашр) қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр қилинган, улардан 6 та илмий мақола, шу жумладан, докторлик диссертациясининг асосий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилган Республика журналларида 3 та, халқаро журналларда 3 та илмий мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чарм чиқиндиларидан коллаген сақловчи хомашёнинг олиниши, хоссалари, модификацияси ва уларни кўллашининг истиқболли йўналишлари”** деб номланган биринчи бобида коллаген сақловчи чиқиндиларни гидролизлаш ва экстракциялаш усуллари, оксил гидролизат маҳсулотларининг хоссалари ва реологияси ҳамда коллаген маҳсулотларини кўлланилишининг истиқболли йўналишлари, шунингдек, чарм ишлаб чиқариш технологик жараёнлари учун функционал – фаол коллаген маҳсулотларини синтез қилиш ва модификациялаш технологиялари бўйича жаҳонда таниқли олимлар томонидан эълон қилинган нуфузли илмий-тадқиқот ишлари ва патентлар таҳлили келтирилган.


Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва услубиятини танлаш ва асослаш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларини танлаш ва уларни асослашга бағишланган. Жумладан мазкур бобда тадқиқотда фойдаланилган моддалар ва тадқиқот объектларининг физик-кимёвий константолари, танланган тадқиқот усуллари, яъни оптик микроскопия, SEM, собрцион ҳамда тажрибавий таҳлил усуллари келтирилган.

Ошланган чарм чиқиндиларидан коллаген маҳсулотларини олиш, акрил кислотаси билан коллагеннинг графт сополимерланиши, тўлдириш технологияси, сополимерларнинг таркиби спектрнинг ультрабинафша, спектрофотометрида азот учун элементли таҳлил маълумотлари ва тўлдирилган чарм намуналарининг физик-кимёвий, механик ва гигиеник хоссаларини аниқлаш услубларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг “**Коллагенни гидролизи, деградацияси ва уни акрил кислотаси билан сополимерини синтези**” деб номланган учинчи бобида чарм саноатининг хромли ошланган чиқиндиларидан олинадиган коллаген деградацияси, гидролизи, синтези ва хоссалари, чармларнинг хромли чиқиндиларини деградациялаш жараёнида коллаген ва хромли ошловчиси гидролизи ва эрувчанлиги, коллагенни акрил кислотаси билан графт сополимерини синтез қилишнинг асосий қонуниятлари, модификацияланган оксил сақловчи полимер асосидаги пленкаларнинг структураси ҳамда уларнинг пластификациялаш жараёнининг тадқиқот натижалари ёритилган

Хром чарм чиқиндиларига ўювчи натрий (NaOH) ва этилендиамин ($H_2NC_2H_4NH_2$) эритмасида ишлов берилганда деградациянинг энг яхши натижаларига эришилди.


110 г/л NaOH ва 150 г/л этилендиаминга эга эритмада хромли чарм чиқиндиларига ишлов беришда энг юқори деградация содир бўлади. 15 соат давомида бундай эритмада хромли чарм чиқиндиларига ишлов беришдан кейин гидротермик деструкция 82,4-47,6 °C га пасайди (1-расм), Cr_2O_3 нинг қолдиқ миқдори эса 0,6% ни ташкил қилди.



1-расм. (NaOH: $H_2NC_2H_4NH_2$), г/л: 1-10:220; 2-20:200; 3-50:190; 4-80:170; 5-110:150 компонентли концентрацияда ишқор композициянинг эритмасида деградацияланишини вақтга (ёки давомийликка) боғлиқ ҳолда гидротермик деструкциянинг ўзгариши

Деградацияда хром чарм чиқиндиларидан хромни (Cr_2O_3) тўлиқроқ чиқариб олиш имкониятларини ўрганиш учун ишқорий муҳитда хром учгидроксиди $Cr(OH)_3$ гидролизини аниқлаш талаб этилади.

Тадқиқотларда хромнинг ошловчи бирикма эритмалари - Cr_2O_3 дан фойдаланилди, концентрацияси тахминан 2,0 г/л. Хром учгидроксиди 5 мл



2-расм. (NaOH: $H_2NC_2H_4NH_2$), г/л: 1-20:200; 2-50:190; 3-80:170; 4-110:150 компонентли концентрацияда ишқор композициянинг эритмасида деградацияланишини вақтга (ёки давомийликка) боғлиқ ҳолда оксил вазни ёки масса йўқотилиши

микдордаги ошловчи хром бирикмалари эритмасига концентрацияси 120 г/л бўлган тенг ҳажмли Na_2CO_3 эритмаси қўшилди. Тиндирилган чўкмадан суюқлик тўкиб юборилди, чўкма нейтрал муҳидгача дистилланган сув билан бир неча марта ювилди.

Хром учгидроксиднинг ювилган чўкмаларига 50 мл дан ўювчи натрий (NaOH) ва этилендиаминнинг ($\text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{NH}_2$) турли концентрациясига эга ишқорий композиция эритмаси қўшилди. Тўкиб ташланади эритмада рН ва Cr_2O_3 концентрацияси аниқланди.

1-жадвал


Реагентларнинг концентрацияси турига боғлиқ ҳолда хром бирикмалари сақловчи эритмаларнинг кимёвий таҳлил кўрсаткичларининг ўзгариши

№	Кўрсаткич	$\text{NaOH}:\text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{NH}_2$ нисбатлари ва концентрациялари, г/л				
		170:90	150:110	130:130	110:150	90:170
1	Cr_2O_3 концентрацияси, г/л	1,3	1,4	1,6	1,8	1,8
2	Cr_2O_3 гидролиз, %	55,3	72,4	88,5	100	100
3	рН	13,5	12,9	12,7	12,3	12,1

Хромли чарм чиқиндиларида мавжуд бўлган Cr_2O_3 бирикмаларининг оптимал эришини ушлаб турган ҳолда кейинги тадқиқотлар хромли чарм чиқиндилари, айнан хромли қириндининг эрувчанлигини ўрганишга йўналтирилди.

Этилендиамин мўл микдорда бўлганида хромли қириндининг эриш тезлиги 10 дақиқани ташкил қилади (қайнаш ҳарорати 117°C). Қиринди идишга солинди, компонентларнинг концентрацияси ($\text{NaOH}:\text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{NH}_2$), г/л: 1-170:90; 2-150:110; 3-130:130; 4-110:150; 5-90:170 бўлган ишқорий композиция эритмалари қуйилди, кейин даврий равишда аралаштириб турган ҳолда доимий равишда қиздирилди

90°C ҳароратда эришнинг мумкин бўлган максимал даражасига эришилди. Кейинчалик ҳароратнинг янада ортиши билан эриш кинетикаси ўзгармаслиги аниқланди.



3-расм. Компонентларнинг концентрацияси ($\text{NaOH}:\text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{NH}_2$), г/л: 1-170:90; 2-150:110; 3-130:130; 4-110:150; 5-90:170 бўлган ишқорий композиция эритмасида хромли қиринди эриш даражасининг вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши



3-расмдан кўриниб турибдики, вақтнинг ортиши билан хром қириндилари борган сари эрий бошлайди ва дастлабки 1-6 соатда максимал даражага

эришади. Барча вариантларда қириндиларнинг эриш тезлиги сезиларли ортади (1,5-3,0 марта). 6-8 соат давомида хром қириндилари айниқса, компонентларнинг концентрацияси (NaOH: H₂NC₂H₄NH₂) 110:150 г/л бўлган ишқорий композиция эритмасида максимал даражада эрийди. Кейин 12-72 соатдан сўнг ўзгармай қолади.

Сополимерланиш жараёни янги полимерлар олиш учун кенг қўлланилади, улардан баъзида бир-бирини истисно қилувчи хоссалари уйғунлаштирилади. Бу махсус материалларни яратишда ва айниқса улардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтиришда муҳим ҳисобланади.

Сополимерларнинг таркиби спектрнинг ультрабинафша, кўринадиган ва яқин инфрақизил соҳалари учун SHIMADZU UV-3600 (Япония) спектрофотометрида азот учун элементли таҳлил маълумотлари бўйича аниқланди. элементли таҳлил натижалари 4-расмда келтирилган.

Дастлабки, модификацияланган ва пластификацияланган оксил-сақловчи полимер пленкаларни тадқиқ қилиш, улардан турли вазифаларни бажаришда фойдаланиш имкониятини беради.



4-расм. Коллагеннинг акрил кислотаси билан графт сополимерланиши элементли таҳлили ва намуналари спектри

Коллагенни эриган маҳсулотларидан олинган дастабки, модификацияланган ва палстификацияланган пленкаларининг физик-кимёвий хоссалари жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Дастлабки ва модификацияланган коллаген пленкаларнинг физик-кимёвий хоссалари


№	Намуналарнинг физик-механик кўрсаткичлари	Коллаген				
		Модификацияланмаган, натив	Модификацияланган			
			Акрил кислотаси	Глицерин	Ализарин мойи	Акрил кислотаси + Ализарин мойи
1.	Чўзилишда мустаҳкамлик чегараси, 9,8 МПа	3,5	5,6	4,1	4,9	6,7
2.	Узайиш, %	14,1	18,7	21,4	16,5	12,3
3.	Гидротермик деструкция, °С	40,2	46,6	42,5	44,8	48,7

Шундай қилиб, қуруқ оксил моддаси вазнига нисбатан 1,0-6,0 % миқдорда мавжуд бўлганда ализарин мойи оксилли гидролизат учун оптимал пластификатор ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Иккиламчи маҳсулотлар, чиқиндиларни комплекс қайта ишлашнинг концептуал асослари ва уларнинг техник-иқтисодий жиҳатлари**” деб номланган тўртинчи бобида чарм чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш ва улардан циклик фойдаланиш, коллагеннинг эриган маҳсулотларини, олиниши қайта ишлаш технологияси, модификациялаш ва чармларни тўлдириш жараёни, хром чарм структурасида тўлдирувчиларнинг диффузияси ва уларнинг ҳаво ва сув ўтказувчанлигига таъсири ва пойабзалнинг устки қисми учун чармларни тўлдириш жараёнида коллаген-полимер композицияни қўллашнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари натижалари ёритилган.

Тадқиқотнинг бу босқичи, ишлаб чиқилган технологик схема чиқиндиларни комплекс қайта ишлашни назарда тутди, бу ҳолат корхона фаолиятининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилайти ва атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишига муайян даражада хизмат қилади.

Шунга боғлиқ ҳолда мазкур тадқиқотда ушбу йўналишда такроран фойдаланиш мақсадида бу чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик кетма-кетлиги ишлаб чиқилди.



5-расм. Коллаген маҳсулотларини тайёрлаш технологик схемаси

1-мездралаш ускунаси, 2- элеватор, 3-барабан, 4- транспортер, 5- майдалагич 6- тўплагич, 7- насос, 8- қайнатиш аппарати, 9- сиғим-дозатор, 10- вакуум камера, 11- вакуум насос, 12- насос, 13- сиғим 14- сепаратор, 15- ёғ тўплагич, 16- коллаген сақловчи концентрат учун сиғим, 17- коллаген сақловчи концентрат учун аралаштиргич, 18- коллаген сақловчи концентратни совутиш учун камера, 19- совутиш камераси, 20- коллаген сақловчи концентрат учун тўплагич

Коллагенни эриган маҳсулотининг физик-кимёвий кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Коллагенни эриган маҳсулотининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи		Ўлчов бирлиги	Қиймати
1.	Микдори	Концентрация	%	16,4
2.		Ёғ	%	0,4
3.		Кул	%	1,3
4.	Бактериал емирилиш, сутка		сутка	5,8
5.	1,0 % -ли эритманинг водород кўрсаткичи		pH	6,5

Оқсил-полимерли композиция олиш учун реакторга тажриба вариантлари сифатида 45-75 масс. %. (18-30 кг) хромли қиринди-коллагенини эриган маҳсулоти, 24-54 масс. %. (9,6-21,6 кг) полиакрил кислота («Навоиазот» да ишлаб чиқарилган полиакрилонитрил толасини сульфат кислота билан гидролизлаб олинган маҳсулот), 0,5 масс. %. (0,2 кг) СФМ (сульфонол НП-3),

0,3 масс. %. (0,12 кг) 20% техник аммиак суви, 0,2 масс. % (0,08 кг) пенетратор куйилди, таққослаш учун ҳозирги вақтда кенг қўлланадиган таркиб танланди: 40 масс. % (16 кг) акрил эмульсияси Aqrisol-60 ва 60 масс. % (24 кг) Roparva-Eco. 1,1246 зичликкача сув қўшилди.

4-жадвал

Чармларни тўлдириш учун оксил-полимерли композиция тайёрлашнинг тажриба ва назорат вариантлари

Компонентлар номи	Вариантлар									
	Тажриба								Назорат	
	I		II		III		IV		V	
	масс, %	Кг	масс, %	Кг	масс, %	кг	мас с %	кг	мас с, %	кг
Акрил эмульсия Aqrisol-60	-	-	-	-	-	-	-	-	40	16
Roparva-Eco	-	-	-	-	-	-	-	-	60	24
Хромли қиринди коллагенининг эриган маҳсулоти	45	18	55	22	65	26	75	30	-	-
Полиакрил кислота	54	21,6	44	17,6	34	13,6	24	9,6	-	-
СФМ (ОП-10)	0,5	0,2	0,5	0,2	0,5	0,2	0,5	0,2	-	-
Техник аммиакли сув, 20 %	0,3	0,12	0,3	0,12	0,3	0,12	0,3	0,12	-	-
Пенетратор	0,2	0,08	0,2	0,08	0,2	0,08	0,2	0,08	-	-
Жами:	100	40	100	40	100	40	100	40	100	40

Кейин интенсив аралаштириб турган ҳолда реактор 3,0-3,5 соат давомида $55 \pm 2,0$ °C гача қиздирилди.

Вақт ўтганидан кейин субстанция оқ сметанасимон гомоген эмульсияли оксилли-полимерли композиция ҳосил бўлди.

Пойабзалнинг устки қисми учун хромли ошланган чармни тўлдириш учун оксил-полимерли эмульсия рН 7,5- 8,5 да 1,1246 зичликкача суюлтирилди ва ёғлантирувчи эмульсия қўшилганидан сўнг 30-40 дақиқа ўтиб барабанга куйилди. Ишлов бериш сувоқлик коэффициенти 1,0-1,2 бўлганда $58 \pm 5,0$ °C хароратда 40 дақиқа давомида амалга оширилди. Чармларни тўлдириш жараёнида оксил-полимерли композиция сарфи сиқилган чарм массасига нисбатан 2,5% миқдорни ташкил қилди.

Полимер мавжуд бўлганда эритмада коагулом ҳосил бўлади. Бундан келиб чиқадики, оксилли-полимер эмульсия юқорида кўрсатилган параметрларда чарм билан тўлиқ сингиб кетади.

Оксил-полимерли композициянинг физик-кимёвий кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилган.

Оқсилли-полимер композициянинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи		Ўлчов бирлиги	Қиймати
1.	Куруқ модда массасига нисбатан миқдор	куруқ қолдиқ	%	28,6
2.		Кул	%	1,8
3.	14,82 концентрацияда шартли қовушқоқлик		Шартли, о	10,3
4.	Бактериал емирилиш		сутка	18
5.	1,0 % -ли эритманинг водород кўрсаткичи		рН	7,8

Кўрсаткичларни таққослаш учун назорат чармлари сифатида Aqrisol-60 ва латекс Рорава-Еко полимерларнинг сувли эмульсиялари билан тўлдириб қайта ишланган корхона чарми олинди. Бунинг учун барабанга қуйишдан олдин эмульсиялар 1:1 нисбатда сув билан суёлтирилди ва 8,3-8,6 гача аммиак эритмаси билан коррекцияланди. Эмульсиялар билан тўлдиришда бир вақтнинг ўзида куруқ полимер массасига нисбатан 15-20% миқдорда ноионоген СМФ қўшилди.

6-жадвал

Тажриба ва назорат чармларининг физик-кимёвий, механик ва гигиеник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Вариантлар					ДС		
		Тажриба				Назо рат	№	Қий- мати	
		I	II	III	IV				V
1.	Чўзилишда мустаҳкамлик чегараси, МПа	22,8	23,4	24,2	24,3	22,4	939-75	камида 21,0	
2.	10 МПа кучланишда узайиш, %	22,8	23,4	24,6	24,6	22,1	939-75	18-30	
3.	Юза қатламида ёриқ ҳосил бўлгандаги кучланиш, МПа	22,6	22,7	23,8	23,7	22,4	939-75	камида 18,5	
4.	Ғоваклик, %	55,4	56,8	56,8	56,7	52,4	938.20-71	40-60	
5.	Зичлик, г/см ³	тақрибий	0,62	0,60	0,63	0,61	0,57	938.20-71	0,4-0,7
6.		ҳақиқий	1,33	1,32	1,33	1,30	1,28		1,2-1,4
7.	Кул миқдори, %	6,35	5,84	5,63	5,64	6,33	938.2-67	4-12	
8.	Нисбий ўтказувчанлик, %	буғ	52,81	53,76	56,42	56,43	51,62	938.17-71	40-60

Чармларнинг тажриба партияларида синалган янги оксил-полимерли композициялар, хорижий қиммат латекслар ва полимер эмульсияларнинг ўрнини тўлиқ босиши мумкин.

“ULKAN-LAZIZ” МЧЖ ва “OSIYO - CHARM - FAYZ” МЧЖ да йирик шохли қорамол терисидан тайёрланган, пойабзалнинг устки қисми учун мўлжалланган чармларни пардозлаш жараёнида чармларни оксил-полимерли композиция билан тўлдиришнинг янги технологиясини қўллашдан кутилаётган тахминий йиллик ҳисобланган иқтисодий самара 45 194 490 сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Коллагеннинг эриган маҳсулоти – оксил гидролизат олинди, у кукунсимон маҳсулотдан иборат бўлиб, гигроскопикликка эга, жигарранг - бинафша рангда. Оксил гидролизат сувда, органик кислоталарда, сирка ангидрид, гликолла, гидрозинда эрийди ва ацетон, толуол, пиридин, спиртлар, эфир, этил хлорид ва ҳ.к. ларда эримайди.

2. Ишқорий композиция эритмасида асосий деградация самарасига эришилади, кўшимча тарзда содада ювиш хром миқдорининг янада камайишига ва гидротермик деструкция хароратининг пасайишига хизмат қилиши аниқланди. Деградациянинг оптимал шароитларида хром бирикмалари тўлиқ кетказилмайди, бироқ ишлов беришдан кейин коллаген сақловчи матрицанинг гидротермик деструкцияси гўлакнинг гидротермик хароратига яқинлашиши аниқланди.

3. Хромли қиринди ўювчи натр эритмасида этилендиамин иштирокида жадал тарзда гидролизланиб суспензияга айланади ва кейин тўлиқ тарзда эритмага ўтиши аниқланди,. Харорат оширилганда эриш тезлиги ошмайди. Акрил кислотасига эга коллаген учун топилган маълумотлар шундан далолат берадики, ҳосил бўлувчи акрил кислотаси радикаллари коллагеннинг «бегона» молекулалари билан нисбатан тез таъсирлашади. Аниқландики, бошланғич аралашмада акрил кислота миқдорининг ортиши билан сополимерлар эритмаларининг тавсифли қовушқоқлиги камаяди, эҳтимол бу занжир узатиш актларида акрил кислотасининг иштироки натижаси бўлиши мумкин.

4. Дастлабки коллаген аралашмасида акрил кислотаси миқдорининг ортиши билан графт сополимерланишнинг умумий тезлиши ошади, ҳосил бўлувчи сополимерлар эритмаларининг қовушқоқлиги эса занжир узатиш реакцияларида акрилатнинг қўшалок боғи иштироки натижасида ошиши аниқланди. Сополимерларда мономер занжирларининг нисбати уларнинг дастлабки аралашмадаги нисбатига мос келмайди, бу графт сополимерланиш жараёнида таъсирланувчи компонентларнинг турлича реакция хусусияти билан тушунтирилади.

5. Модификацияланган ва пластификацияланган коллаген пленкаларнинг чўзилишдаги юқори даражадаги мустаҳкамлиги ва узилишда нисбатан кам чўзилиши, эҳтимол, шу билан боғлиқки, эриш маҳсулотларида

мавжуд бўлган коллаген макромолекуласи кўп сонли кутбли гуруҳларга эга бўлиб, улар водород боғлар ҳосил қилишга мойил. Бу ҳолат макромолекулалар қўзғалувчанлигининг камайишига ва чўзилишининг камайишига, олинган пленкалар мустаҳкамлигининг ортишига олиб келади.

6. Чармга оқсил гидролизатлари ва юқори реакцион хусусиятга эга бўлган унинг модификация маҳсулотлари билан ишлов беришда тўлдирувчи препаратлар диффузияси мўътадил тарзда амалга ошади, шунингдек, унинг субстрат билан боғланиши секин кечади, бу уларнинг оғир миграциясига хизмат қилади. Акрил кислотаси ва пластификацияланган ализарин мойига эга оқсилли гидролизат модификациясида чармларнинг сувни шимиши ва намланишининг сезиларли камайишига эришилади, бу ҳолат чармнинг молекулаусти тузилма элементларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШОЙИМОВ ШОХРУХ ШУХРАТОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ НОВЫХ БЕЛОКСОДЕРЖАЩИХ ПОЛИМЕРОВ ИЗ
ОТХОДОВ КОЖ ДЛЯ НАПОЛНЕНИЯ КОЖ**

05.06.03–Технология кожи, меха, обуви и кожевенного-галантерейных изделий

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире нет ни одной промышленности или отрасли, которая бы, так или иначе, не была связана с проблемой защиты окружающей среды. Важной задачей мехового комплекса, наряду с внедрением современных технологий обработки пушно-мехового сырья, направленных на улучшение качества и расширение ассортимента продукции, является обеспечение экологической безопасности производства³. В этой связи проблема комплексной переработки сырья с использованием ресурсо- и энергосберегающих технологических решений, включающих вовлечение в хозяйственный оборот отходов производства в качестве вторичного сырья для смежных отраслей, приобретает особую значимость и актуальность.

В мировой настоящее время лишь некоторые виды белоксодержащих отходов перерабатывают в кормовые добавки, белоксодержащих полимеров, клеи, строительные материалы, используя метод гидролиза при повышенных температурных режимах и давлении. Однако такой технологический прием ведет к потере специфических свойств, присущих нативным фибриллярным белкам, что сужает возможные области их практического применения. В последние годы разработка новых химических препаратов и технологий их использования в значительной мере направлена на решение экологических проблем кожевенного производства и эффективное использование кожевенного сырья. Рост цен на кожевенное сырье в сочетании с ухудшением его качества предопределяет поиск технических решений по более эффективному использованию сырьевых ресурсов.

В Республики Узбекистан возник настоятельная необходимость во всесторонних комплексных исследованиях выделения коллагена обеспечивающих высокое качество и создании перспективных биополимеров нового поколения. Предоставляется перспективным использование в качестве полимерных наполнителей на основе гидролизата коллагена привитой акриловой кислоты. Достаточная реакционная способность акриловой кислоты при взаимодействии с коллагеном способствует наполнению и додубливанию кожевенного полуфабриката. Однако, сведения по данному вопросу: процессы синтеза полимеров на основе акрилового мономера и влияние на свойства и технологию по применению в кожевенном производстве недостаточно изучены. Работа направлена на решение актуальной проблемы создания технологии получения кожевенного полуфабриката, обладающего улучшенным комплексом эксплуатационных и технологических характеристик за счет использования функционально активных модифицированных белоксодержащих полимеров.

В Республики связи со значительным ростом кожевенно-мехового производства в последние годы вопросы экологии приобретают огромное значение для кожевенно-меховых предприятий. В Стратегии действий по пяти

³ http://www.leathermag.com/news/industry_news_archive.html

приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определены задачи, в том числе «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение расхода энергии и ресурсов в экономике, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»⁴. Во исполнении поставленных задач приобретает необходимость эффективного использования местных сырьевых ресурсов, производство импортозамещающих и экспортно-конкурентоспособных кожевенных материалов с высококачественными показателями.

